Навои

Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

№25 (374)
2020 йил 7 апрель, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТИДАН РЕПОРТАЖ

## Улкан меҳнат самараси

**Бугун мамлакатимизда коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари бу йўналишдаги аниқ ва мақсадли вазифаларни белгилаб берди. Ҳозирги босқичдаги ишлар ҳақида Президентимиз куни кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида батафсил тўхталиб ўтди. Масалан, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни дамда мамлакатимизнинг бир нечта манзилида замонавий тиббиёт муассасалари бунёд этилмоқда.**









Инсоният цивилизацияси, унинг оқибатлари ва нималарга қодирлиги бугунги синовли кунларда яққол намоён бўлмоқда. Тобора глобаллашиб бораётган коронавирус пандемияси таъсиридан одамларни асраш ва тезроқ бу касалликни бартараф этиш учун дунё миқёсида барча куч ва воситалар сафарбар этилмоқда. Проезидентимизнинг ташаббуси билан юртимизда ҳам коронавирус бугунгидек ҳавфли кучга эга бўлмаган пайтдаёқ зарур профилактика чоралари кўриб қўйилган эди. Ҳозирги шароитда эса эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш ва халқимизнинг саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун мамлакатнинг мавжуд иқтисодий, техник, молиявий, илмий салоҳияти жалб қилинган. Чунки, белгиланган вазифаларни бир сонияга ҳам асло кечиктириш ва ҳеч бир жиҳатни назардан четда қолдириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари уларнинг ижросини шахсан ўз назоратига олган. Шундай бир синовли кунларда мамлакатимиз раҳбари раислигида эпидемиологик хизматни ривожлантириш, коронавирус пандемияси туфайли юзага келиши мумкин бўлган инқироз оқибатларини юмшатиш, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича бир қатор видеоселектор йиғилишлари ўтказилди.

*(Давоми 6-бетда)*

**Бугун бутун дунё аҳлини бирдек ташвишга солиб келаётган коронавирус пандемияси, унинг зарарли оқибатлари, инсониятга етказаётган талофати ҳақида кўп гапирилмоқда.**

## СИНОВЛИ КУНЛАР ҲАМ ЎТАР

Коронавирус пандемиясининг таъсири туфайли дунёда неча минглаб одамлар ҳаётдан бевақт кўз юмиб, неча миллионлаб одамларнинг хотиржамлиги йўқолди. Инсонларнинг, оилаларнинг бир зумда шу касаллик билан хасталангани, азият чекаётгани ва буни матбуот орқали кўриб гувоҳи бўлаётганимизнинг ўзи ҳушёр ва огоҳ бўлишни ҳамда санитария ва гигиена, энг асосийси эълон қилинган карантин талабларига албатта қатъий риоя қилишимиз шарт ва зарурлигини англатади.

Афсуски, ушбу касаллик юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Бу эса, барчамизни бирдек огоҳликка чорлаб, ҳар биримиздан эътибор ва масъулиятни ҳис этиб, ҳар дақиқада санитария ва гигиена тартиб қоидаларга амал қилишни талаб этмоқда. Огоҳлик ва ҳушёрлик ҳаётимизнинг бош мезонига айланмоғи зарур. Буларнинг бари муҳтарам Президентимизнинг ҳар бир маърузасида, халқимизга қилган Мурожаатномаларида намоён этилмоқда.

3 апрель куни коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселекторда Давлатимиз раҳбари яна бир бор халқимизга Мурожаат қилди.

Мурожаат давомида Президентимиз юртимизга келган бу синов жараёнидан ўта юксак ирода, сабр-бардош билан ўтиб олишимизда халқимизга ишонч билдириб ўтди.

Президентимиз ўз Мурожаатида «Бу касаллик бизнинг юртимизда оз қайд этилди, бу менинг вилоятимда, менинг, шаҳрим, менинг қишлоғим, менинг маҳалламда йўқ деб бепарволикка йўл қўйиш қаттиқ хатони англатади» дея таъкидлади. Карантин қоидасига амал қилиш, гигиена талабларини бажариш ўта муҳим ва долзарбдир.

*(Давоми 2-бетда)*

ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШГАНДА

## Давлатимиз ғамхўрлиги ҳадигу хавотирларимизни аритмоқда

**Қарийб бутун ер шарини қамраб олаётган коронавирус пандемияси, минг афсуски, халқимиз саломатлиги ва осойишталигига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда.**

Бироқ ҳадигу хавотирларимизни аритадиган таскин бор. Бу – давлатимиз ғамхўрлиги. Дарвоқе, ҳамма давлатлар ҳам бугунгидай вазиятда халқини ижтимоий муҳофаза қилиб, тадбиркорларга енгилликлар ярата олмайди. Фақатгина иқтисодий бақувват, ўзига ишонган давлатгина бу ишларга қодир бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳам мана шундай ғамғўрликнинг яққол ифодаси бўлди.

– Фармонда иқтисодиётнинг барча тармоқлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилган, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов. – Фармон билан шакар, гўшт, сут, ёғ маҳсулотлари, айрим гигиеник воситалар учун божхона божи ва акциз солиқларининг ноль ставкалари белгиланди. Туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлар ер солиғи ва юридик шахслардан олинадиган молк-мулк солиғини тўлашдан озод этилди.

2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар тур-операторлар, тур агентликлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари кўрсатиш субъектлари, «Uzbekistan airways» АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари, «Uzbekistan Airports» АЖ юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинади. Ушбу корхоналар ижтимоий солиқни камайтирилган ставкада 1 фоиз миқдорида тўлаши белгилаб қўйилди.

– Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга оид фармонига мувофиқ баъзи солиқлардан озод қилиш, ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдорида тўлаш каби имтиёзлар барча мулк эгаларини ва ишчилари кўп бўлган тадбиркорларни қувонтирди, – дейди тур-операторлик фирмаси раҳбари Дилмурод Собиров. – Бу, албатта, тадбиркорлар учун мураккаб даврда яхши қўллов бўлади, деган умиддаман.

Шунингдек, товар ёки хизматларни реализация қилиш айланмаси ойига 1 миллиард сўмдан ошмайдиган ва электрон ҳисоб фактураларини қўллайдиган қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ушбу солиқни чораклик асосида ҳисоблаш ва тўлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга, шу жумладан, 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланганларга нисабатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш тартиби, шунингдек, солиқни оширилган ставкаларини қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблашларини мажбурий ундириш чоралари кўрилмайди.

– 150 дан ортиқ иш ўрни яратган корхона сифатида кредит ёки инвестиция масалалари қандай бўларкан, деб қийналаётган бир вақтда, Президентимизнинг фармони пандемия даврини эсон-омон, талафотларсиз ўтказиб олишга жуда катта ёрдам бўлаяпти, – дейди яна бир тадбиркор Алишер Ҳайдаров. – Мана масалан, мен ўзим 500 минг доллар миқдорида кредит олганман. Ушбу фармонга кўра, уни қайтариш муддати чўзилаяпти.

Фармон билан карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилади. Бунда фаолиятни тўхтатганлик тўғрисида солиқ тўловчи шахсий кабинети орқали давлат солиқ органларини хабардор қилади. Рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномани кўрсатиш эса талаб қилинмайди.

Ҳозирда юридик шахслар, газ ва электр энергияси ҳақини юз фоиз олдиндан тўлаш тартибида ишлайди. Фармонга кўра, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб бу кўрсаткич 30 фоизгача пасайтирилади. Шунингдек, 2020 йил 1 октябрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан ижобий кредит тарихига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг аввалги 50 фоиз ўрнига 75 фоиздан ошмаган, бироқ 10 миллиард сўмдан ортмаган ҳажмда лойиҳалар сонидан қатъий назар кафиллик, Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 баробаридан ошмаган миқдоридаги фоиз ставкаси билан миллий валютада берилган кредитлар фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда, тақдим этилади.

Битта қарз олувчига давлат жамғармаси томонидан бир вақтда ҳам кафиллик, ҳам компенсация беришга чеклов бекор қилинади. Фармонга кўра, Марказий банк тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловларни 2020 йил 1 октябргача кечиктириш, карантин режими фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи қарздорларга жарима санкциялари ва ундирув чораларини қўлламаслик, бу борадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш чораларини кўради.

– Ушбу фармонда тадбиркорнинг коронавирус туфайли чекловлар билан боғлиқ барча мавжуд ва юзага келиш эҳтимоли бўлган муаммолар ечимлари ўз аксини топган, – дейди Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи Жамолиддин Қудратов. – Президентимизнинг фармонида белгиланган чоралар ўз вақтида қабул қилиниб, пандемия тугаганидан сўнг иқтисодиётнинг тез тикланишига ижобий таъсир кўрсатади.

**М. ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№25 (374) 2020 йил 7 апрель

# СИНОВЛИ КУНЛАР ҲАМ ЎТАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда бутун дунё, инсоният мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўрилмоқда.

Юртимизга четдан кириб келган коронавирус касаллигига чалинганлар сони бугунги кунда салкам 400 нафарга етди. Энг ачинарлиси, машаққат билан кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамасдан, беморлардан икки нафари вафот этди. Бугунги кунда мамлакатимизда 100 минг киши, шунингдек, чет элдан олиб келинган салкам 13 минг ҳамюртларимиз ҳам тўла карантинга олинган.

Қурувчиларимиз бир тану бир жон бўлиб, Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманида 10 минг киши қабул қилишга мўлжалланган карантин ҳудудини барпо этишмоқда. Зангиота туманида 10 минг ўринли 2 та вирусология шифохонаси қурилмоқда. Яқин кунларда ушбу шифо масканларидаги 2 минг ўрин ишга туширилади. Ҳозирги кунгача 245 мингта тест, 700 мингга яқин ҳимоя воситалари олиб келиниб, даволаш муассасаларига етказилди. Бу ишлар яна давом эттирилмоқда. Диагностика, даволаш, карантин ишларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари ҳамда илғор хорижий тажрибаларга таяниб амалга оширмоқдамиз.

Шунингдек, Кореядан малакали шифокорлар келиб ўз тажрибалари билан беморларни даволашда қатнашмоқда. Яқин кунларда бир гуруҳ хитойлик мутахассислар ҳам етиб келиши кутилмоқда. Бундан ташқари, шифокорларимиз хорижий ҳамкасблари билан мунтазам видеомулоқотда бўлиб кундалик тажриба алмашишмоқда.

Таъкидлаш лозимки, амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирларимиз албатта, ўз натижасини бермоқда. Касалликка чалинганларнинг 30 нафари тўлиқ соғайиб реабилитацияга ўтказилди. Бу курашнинг олдинги сафларида чинакам жасорат ва матонат кўрсатаётган жонкуяр ва олийжаноб шифокорларимизга чуқур миннатдорчилик билдираман, деди Президентимиз ўз Мурожаатномасида.

Юртбошимиз юзага келган вазиятни тўғри тушуниб, фаол қўллаб-қувватлаётган халқимизга ўзларининг миннатдорчилигини билдирар эканлар, афсуски, қоидаларни менсимай уни қўпол тарзда бузаётган бу билан ўзини, оиласини, ҳамюртлари соғлиғини хавф остида қолдираётган айрим фуқаролар ҳақида тўхталиб ўтди. Шунча огоҳлантириш ва тушунтириш ишларига қарамай, жойларда карантин қоидалари бузилаётганини афсус билан айтиш керак.

Айрим давлатларда юқори гигиена кундалик турмуш тарзи, миллий урф-одатлар бу касалликни енгишда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, аҳолиси зич, қўшнилари билан савдо алоқалари ўта ривожланган бўлишига қарамасдан, Япония вируснинг кенг тарқалишига йўл қўймади.

Мутахассислар «япон феномени»ни улардаги ўзига хос саломлашиш, шахсий масофани сақлаш, тез-тез кийим алмаштириш, юз-қўлни ювиш, тўла ювиниш, тўғри овқатланиш, фаол турмуш тарзи ва спорт каби 13 та қоида ва урф-одатлар сақлаб қолгани билан асосламоқдалар. Бу эса бизда ҳам азал-азалдан мавжуд, қўлни кўксига қўйиб саломлашиш, уйга меҳмон келганда қўлга сув қуйиш, жамоат жойларда масофани ушлаш, мева-сабзовотларни кўп истеъмол қилиш каби урфларимизга янада кўпроқ амал қилишни тақозо этади.

Ҳар биримиз кундалик юмушларимизни хавфсизлик ва санитария қоидаларига тўла амал қилган ҳолда давом эттиришимиз зарур. Чунки бугун йўқотган имкониятларимизни эртага тиклаш қийин бўлади, вақтни эса орқага қайтариб бўлмайди. Пандемияни тўхтатиш учун бутун дунё халқлари қатори биз ҳам жиддий изланишдамиз. Одамларимиз даромадлари камайиб кетмаслиги учун корхона ва ташкилотлар барқарор ишлаши учун барча режаларни кўряпмиз, дейилди Мурожаатда.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ўта куюнчаклик билан сўзлаган бу Мурожаатнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, ҳамюртларимизнинг ҳар бирлари тўла англаб етиб, унга масъулият билан эътибор қаратишлари, давлатимиз томонидан белгиланган барча талаб ва қоидаларга бирдек амал қилишлари жуда муҳимдир. Касаллик ҳеч бир оилага кириб келмасин.

Бу билан хотиржам, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришимиз учун барчамиз бирдек ҳаракат қилиб ўзимизни, оиламизни, фарзандларимизни, ёши улуғ кексаларимизни, маҳалладошларимизни, юртдошларимизни асрашимиз лозим. Бу синовли кунлар ҳам ўтар кетар. Яратганнинг бизга берган энг улуғ неъмати бу – соғлигимиз, уни асраш ва мустаҳкам қилиб бориш ўзимизга боғлиқ.

**Вахобжон МУРАТКАБИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси,**
**Дилшод НОРМУРАДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг катта референти.**

---

**Давлатимиз раҳбарининг коронавирус пандемияси муносабати билан халқимизга йўллаган навбатдаги Мурожаатини барчамиз катта эътибор билан тингладик.**

Мурожаатда таъкидланганидек, кўпга келган ва жаҳон аҳли азият чекаётган бу қийин кунлар, албатта, ўтади. Мамлакат Президенти «Бизнинг буюк ва танти халқимиз кўп асрлик тарихида не-не бало-қазоларни, урушлар ва очарчиликларни мардонавор енгиб ўтган, бу синовдан ҳам муносиб ўтиб олишимизга қатъий ишонаман», дея бутун Ўзбекистон халқини янада жипслашиб, сабр-матонатли бўлишга

# ВАҚТ БЕҲУДАГА ЎТКАЗИЛМАЙДИ

чақирди. Шифокорларнинг тавсияларига тўлиқ амал қилсак, албатта, бу касалликни тезроқ енгиб ўтишимизга ишонч ҳосил қилдик. Бу курашда тиббий чоралар билан бирга юксак тафаккур, қатъий интизом, сабр-тоқат ва улкан масъулият кўрсатишимиз лозим. Бу сифатлар бизнинг энг асосий ва энг таъсирчан қуролимизга айланиши шартлигини Давлат раҳбари алоҳида қайд этиб ўтди.




– Президентимиз халқимизга қилган Мурожаатида бугунги кунда уй шароитида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчи ёшларимизга ҳам ўз сўзларини баён қилди, – дейди ТАҚИ Архитектура факультетининг Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси кафедраси доценти Моҳир Толипов. – «Азиз фарзандларим, уйда вақтингизни бекор ўтказманг, Онлайн дарсларни кунт билан ўзлаштиринг. Китоб ўқиб, билимингизни оширинг, бадантарбия машқларини бир кун ҳам қолдирманг», деган даъвати ҳар бир ўғил-қиз қалбида эртанги кунда юксак ишонч туйғуларини, ўзининг бурч ва вазифаларини тўлиқ адо этишга ундайди.

Албатта, бугунги қийин вазиятларда Олий таълим тизими мутасаддилари ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Жаҳон тажрибасини амалиётга кенг ва самарали қўллаган ҳолда ёшларни масофадан ўқитиш тизими татбиқ этилмоқда. Жумладан, ТАҚИ талаба ёшлари учун ўз билимларини ошириб, олган назарий кўникмаларини амалий мустаҳкамлашлари учун институтнинг махсус электрон сайти иш бошлаган. Мазкур сайтга ўқув-услубий мажмуалар, барча фанлар бўйича календарь режалари, видеодарслар, электрон дарсликлар жойлаштирилди. Эндиликда талабалар сайтга кириб ўзларининг мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда, зарур маълумотларни, интернет сайтга барча фанлар бўйича жойлаштирилган ўқув материалларидан ташқари талабаларнинг фан ўқитувчилари билан телеграмм ва мобил алоқа воситалари ёрдамида бевосита мулоқот килишлари мумкин. Талабалар хоҳ назарий хоҳ амалий дарслардан исталган вақтда институт профессор-ўқитувчилари билан боғланиб, зарур маслаҳатлар олиш имкониятига эгалар.

– Архитектура ижодий соҳа бўлгани сабабли амалий дарсларда ҳар бир талаба билан индивидуал тарзда ишлашга тўғри келади, – дейди М. Толипов. – Бу эса онлайн тизимда ишлашда анча вақт талаб этадиган машаққатли жараён ҳисобланади. Аммо, ТАҚИ профессор-ўқитувчилари бу борада битирув малакавий ишларни бажариш даврида анча тажриба тўплагани сабабли мазкур ишлар у қадар қийинчилик туғдирмаяпти. Магистратура йўналишида сўз юритадиган бўлсак, 2-босқич магистрантлари асосий ўқиш даврини тугаллаб, магистрлик диссертациясини якунлаш устида иш олиб боряптилар. Илмий раҳбарлар билан фан ўқитувчилари билан бевосита боғланиб, маслаҳатлар олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Афсуски, айрим худудларда интернетга уланиш масалаларида мавжуд муаммолар туфайли барча талабалар ҳам бу имкониятдан бир хил фойдаланолмаяптилар.

Таъкидлаш зарурки, талабаларнинг масофадан туриб билимларини ошириш мақсадида ТАҚИ ахборот-ресурс маркази томонидан мобил алоқа ва телеграмм, АКТ ёрдамида боғланиб, тегишли маслаҳатларни олмоқдалар. 1-босқич талабалари фан ўқитувчилари томонидан махсус сайтга киритилган махсус дастурлар, ўқув-услубий мажмуалар, тақдимотлар ёрдамида фанларни онлайн тарзда ўзлаштириб боряптилар.

Шунингдек, илмий раҳбарлар билан маслаҳатлашган ҳолда диссертация мавзуси бўйича илмий изланишларини давом эттирмоқдалар. Талаба ёшларнинг билимларини мустаҳкамлашда эса ТАҚИ профессор-ўқитувчиларининг касбий малака ва тажрибалари жуда ҳам катта эканини эътироф этиш керак. Чунки, бугун нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда глобализация сабабли шаҳарсозлик ҳам тараққий этиб бормоқда.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, бугун олий таълим тизимида ТАҚИ доценти Моҳир Толипов сингари олимларнинг ўрни катта. Улар ўзларининг илмий ва педагогик салоҳияти билан ёш авлоднинг таълим-тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Моҳир Толипов «Аҳоли яшаш жойларини ободонлаштириш ва режалаштириш» ўқув қўлланмаси, «Ландшафт дизайни ва флористика», «Шаҳар ландшафтини ташкил этиш» ўқув қўлланмалари муаллифи ҳамда унинг ҳаммуаллифлигида «Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси» дарслиги яратилган. 40 тага яқин илмий мақола ва тезислари эса илмий журнал, халқаро ва Республика миқёсида ўтказилган анжуманлар тўпламларида чоп этилган. Шаҳарсозликка оид лойиҳаларнинг 6 тасида ҳаммуаллиф сифатида ўзининг илмий ғоя ва фикрлари билан иштирок этган.

– Минг асрлик тарихга эга меъморчилик ва шаҳарсозлик анъаналарини давом эттирадиган, халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятини жаҳонга кенг намоён этадиган қатлам бу – ёшларимиздир, – дейди Моҳир Толипов. – Уларнинг малакали кадрлар, ўз касбининг етук усталари этиб камол топишида эса биз педагогларнинг олдимиздаги масъулиятли вазифалар жуда каттадир. Шу сабабли ҳам бугун қалби дарё ва меҳр-оқибатли халқимизнинг ақл-заковатига, унинг метин иродаси ва қатъиятини эътироф этган ҳолда, барча юртдошларимизга, ёшларимизга мустаҳкам соғлик ва сабр-тоқат тилаб қоламан.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

---


## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ
## Жиззах вилояти филиали

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Жиззах пластмасса» АЖнинг 2020 йил 31 мартдаги 299-сонли буюртма хатига асосан Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси ҳудудида жойлашган, **умумий қурилиш майдони** – 205,40 квадрат метр бўлган қозонхона (котельная) биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 87 700 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил **8 май** куни, соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 4 май куни, соат 18.00.

**Савдо ўтказиладиган манзил:** Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, Ёзги форум мажмуаси. Мазкур мулк 2020 йил 8 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2020 йил 15, 22, 29 май кунлари юқоридаги манзилда, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 1 кун олдин, соат 18.00.

Савдога қўйилган бино билан тегишли жамият вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Аукцион савдосида катнашиш учун буюртманома билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

**Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини** «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиали**нинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2262 6000 8049 2060 9001 АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиали МФО 00122 СТИР 207 122 519.

Савдо ғолиби аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласи, Ёзги форум мажмуаси.

Тел.: (91) 941-68-07.

**Веб-сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*



## «Andijon mulk markazi» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Андижон вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2020 йил 6 апрелдаги 06/03-122-сонли сўров хати ва 2020 йил 6 апрелдаги 06/03-124-сонли буюртманомасига асосан Андижон вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси балансида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари аукцион савдоларига қўйилмоқда:

1. 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 775 SAA бўлган ГБА СПГ «KOBALT» русумли автомашинаси. **Бошланғич баҳоси** – 63 190 000 сўм.

2. 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 966 ВВА бўлган ГБА СПГ «LACETTI» русумли автомашинаси. **Бошланғич баҳоси** – 63 360 000 сўм.

3. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 203 LAA бўлган ГБА СПГ «TUKSON» русумли автомашинаси. **Бошланғич баҳоси** – 71 300 000 сўм.

4. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 60 211 XAA бўлган ГБА СПГ «LACETTI» русумли автомашинаси. **Бошланғич баҳоси** – 60 620 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 7 май куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

**Аукцион савдоларига аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 7 май куни бўлиб ўтадиган савдо учун 6 май соат 18.00 га қадар.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 7 майдаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдолар 2020 йил 12 май ва 15 май кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

**Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилишни охирги муддати:** савдодан бир кун олдин, соат 18.00 га қадар.

Савдога қўйилган мулклар билан Андижон вилояти Қишлоқ хўжалик бошқармасининг вакили билан жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган ҳар бир иштирокчи кўрсатилган ахборот маслаҳат хизмати учун энг кам иш ҳақининг бир баробари, яъни 223 000 сўм миқдорида тўловларни амалга оширади.

**Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Andijon mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 3049 4115 6002 «Савдогар» АТБ МФО 00081 СТИР 302 126 734.

**Аукцион савдолари қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:** Андижон шаҳар Навоий шоҳкўчаси, 71-уй, 1-қават, «Andijon mulk markazi» МЧЖ.

**Телефон:** (74) 223-08-52, (93) 447-08-13.

*00156 рақамли гувоҳнома.*



## «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Сурхон Пармалаш Ишлари» АЖга тегишли ва унда сақланаётган 2008 йилда ишлаб чиқарилган LADA21070311401 русумли, давлат рақами 75/845 FAA, таъмирталаб автотранспорт қўйилмоқда. **бошланғич баҳоси** – 4 671 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 8 май куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 6 май, соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SMM» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 9049 4129 4001 ХАБ «Траст банк» Термиз филиали МФО 01063 СТИР 302 125 729.

**Ариза (талабнома)ларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй.

**Тел.:** 76-223-15-82.

*972-сонли гувоҳнома.*



## «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ

### объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Агробанк» АТБ Қашқадарё вилояти бошқармасига қарашли қуйидаги кўчмас мулк такроран қўйилмоқда:

«Агробанк» АТБ Батош филиалига қараши Қарши шаҳар, Шодлик маҳалласи, Мустақиллик шоҳкўчаси, 3-«А» уйда жойлашган, умумий майдони – 1 893,73 квадрат метр бўлган 3 қаватли фойдаланилаётган маъмурий бино. Бошланғич баҳоси – 4 890 228 906 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 22 апрель куни, соат 11.00 дан бошлаб «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносида ўтказилади.**

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳар, 4-митти туман, **мўлжал:** «Парвина» кафесининг ёни)да қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш 2020 йил 21 апрель куни, соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу объект аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, **2020 йил 29 апрель** куни бўлиб ўтадиган савдода такроран қўйилади.

Савдо ғолибига сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловларни сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар кўрсатилган объектни сотиб олиш учун буюртманомалар, «Закалат пули тўғрисида»ги келишувга асосан савдога қўйилган объект бошланғич баҳосининг 7 (етти) фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона (ташкилот) устави ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5049 4256 0001 СТИР 302 126 648.

**Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман.

**Мўлжал:** «Парвина» кафеси.

**Телефон:** (95) 505-08-99.

**E-mail:** ikoskarshi@yandex.com

**Расмий веб-сайт:** www.ikos.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0111 рақамли лицензия.*

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Объектнинг бошланғич нархи, сўмда | Қурилиш муддати | www.xarid.uz махсус ахборот порталидаги лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали (транспорт ва алоқа Жиззах касб-ҳунар коллежи) ўқув биносини реконструкция қилиш | 15 248 917 033 сўм ҚҚС билан; 13 259 927 854 сўм ҚҚСсиз | 540 кун | № 7004226 |
| 2. | Мустақиллик шоҳкўчаси, 54-уйда жойлашган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг («А» блок) ўқув биносини реконструкция қилиш | 27 306 637 706 сўм ҚҚС билан; 23 744 902 353 сўм ҚҚСсиз | 250 кун | № 7004268 |
| 3. | Жиззах политехника институти учун 1000 ўринли ўқув биноси қуриш | 55 566 095 515 сўм ҚҚС билан; 48 318 343 926 сўм ҚҚС сиз | 1000 кун | № 7004178 |
| 4. | Гулистон шаҳридаги Гулистон давлат университетининг Санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси биносини капитал таъмирлаш | 4 313 840 028 сўм ҚҚС билан; 3 751 165 241 сўм ҚҚСсиз | 150 кун | № 7004304 |
| 5. | Гулистон шаҳридаги Гулистон давлат университетининг Жисмоний маданият кафедраси ўқув биносини капитал таъмирлаш | 5 357 551 215 сўм ҚҚС билан; 4 658 740 186 сўм ҚҚСсиз | 145 кун | № 7004300 |
| 6. | Қарши иқтисодиёт-муҳандислик институти учун 2000 ўринли ўқув биноси қуриш | 64 880 509 200 сўм ҚҚС билан; 56 417 834 086 сўм ҚҚСсиз | 1090 кун | № 7004182 |
| 7. | Дархон кўчаси, 18-уйда жойлашган Қўқон давлат педогогик институтининг 350 ўринли 3-сон талабалар турар жойини капитал таьмирлаш | 9 882 529 870 сўм ҚҚС билан; 8 593 504 234 сўм ҚҚСсиз | 240 кун | № 7004298 |
| 8. | Миллий университет қошидаги Биофизика ва биохимия институти ўқув биносини мукаммал таъмирлаш | 17 992 310 005 сўм ҚҚС билан; 15 645 486 960 сўм ҚҚСсиз | 510 кун | № 7004283 |
| 9. | Миллий университет қошидаги Микроэлектроника ва ярим ўтказгич физикаси институти ўқув биносини реконструкция қилиш | 18 522 829 559 сўм ҚҚС билан; 16 106 808 312 сўм ҚҚСсиз | 620 кун | № 7004252 |
| 10. | Навоий кўчаси, Жанубий 27-«а»да жойлашган Навоий давлат педагогика институти ўқув биносини капитал таъмирлаш | 9 362 248 500 сўм ҚҚС билан; 8 141 085 652 сўм ҚҚСсиз | 190 кун | № 7004286 |
| 11. | Наманган шаҳри, И. Каримов кўчаси 12-уйда жойлашган Наманган қурилиш-муҳандислик институтининг 1000 ўринли, 2-сон ўқув-лаборатория корпусини реконструкция қилиш | 28 111 856 522 сўм ҚҚС билан; 24 445 092 627 сўм ҚҚСсиз | 990 кун | № 7004205 |
| 12. | Уйчи кўчасида жойлашган Наманган давлат университетининг 140 ўринли 7-сонли ўқув биносини капитал таьмирлаш | 3 278 015 386 сўм ҚҚС билан; 2 850 448 161 сўм ҚҚСсиз | 100 кун | № 7004295 |
| 13. | Уйчи кўчаси, 316-уйда жойлашган Наманган давлат университети 400 ўринли ўқув-маъмурий биносини реконструкция қилиш | 8 509 896 569 сўм ҚҚС билан; 7 399 910 060 сўм ҚҚСсиз | 180 кун | № 7004210 |
| 14. | Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 43- уйда жойлашган Самарқанд давлат хорижий тиллар институтининг 200 ўринли 2-сон талабалар турар жойини реконструкция қилиш | 8 857 369 392 сўм ҚҚС билан; 7 702 060 340 сўм ҚҚСсиз | 180 кун | № 7004199 |
| 15. | Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳрида Тошкент Кимё-Технология институти Янгиер филиалининг ўқув биносини (Янгиер қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи) реконструкция қилиш. | 21 979 883 159 сўм ҚҚС билан; 19 112 941 877 сўм ҚҚСсиз | 510 кун | № 7004234 |
| 16. | Термиз давлат университети учун 200 ўринли ошхона қурилиши (2-сон Академик лицей) | 3 588 858 479 сўм ҚҚС билан; 3 120 746 503 сўм ҚҚСсиз | 130 кун | № 7004194 |
| 17. | Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг 3-сон талабалар турар жойини реконструкция қилиш | 12 909 320 144 сўм ҚҚС билан; 11 225 495 777 сўм ҚҚСсиз | 220 кун | № 7004215 |
| 18. | Миллий университет қошидаги Тошкент давлат педагогик университетининг 720 ўринли ўқув биносини реконструкция қилиш | 13 056 911 908 сўм ҚҚС билан; 11 353 836 441 сўм ҚҚСсиз | 230 кун | № 7004247 |
| 19. | Мирзо Улуғбек кўчаси, 5/2-уйдаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиалининг 585 ўқув ўринли бино ва иншоотини реконструкция қилиш | 11 953 321 160 сўм ҚҚС билан; 10 394 192 313 сўм ҚҚСсиз | 210 кун | № 7004241 |
| 20. | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг 54-сон талабалар турар жойини реконструкция қилиш | 10 627 333 629 сўм ҚҚС билан; 9 241 159 677 сўм ҚҚСсиз | 200 кун | № 7004270 |
| 21. | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг ҳарбий кафедраси биносининг 270 ўринли талабалар турар жойи биносини мукаммал таъмирлаш | 10 131 950 320 сўм ҚҚС билан; 8 810 391 582 сўм ҚҚСсиз | 200 кун | № 7004290 |
| 22. | Тошкент шаҳри, Осиё кўчасидаги Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг 2-сон талабалар турар жойини мукаммал таъмирлаш | 12 580 022 180 сўм ҚҚС билан; 10 939 149 721 сўм ҚҚСсиз | 220 кун | № 7004284 |
| 23. | Термиз шаҳри, И. Каримов кўчаси, 280-«А» уйда жойлашган Тошкент техника университети Термиз филиалининг 1050 ўринли ўқув биносини реконструкция қилиш | 26 200 266 900 сўм ҚҚС билан; 22 782 840 782 сўм ҚҚСсиз | 970 кун | № 7004238 |
| 24. | Ўзбекистон Миллий университети 2-сонли талабалар турар жойини реконструкция қилиш | 10 888 856 939 сўм ҚҚС билан; 9 468 571 251 сўм ҚҚСсиз | 250 кун | № 7004274 |
| 25. | Олмазор тумани (Талабалар шаҳарчаси) Ўзбекистон Миллий университети нинг 240 ўринли 14-сонли («К» блоки) талабалар турар жойини капитал таьмирлаш | 10 239 982 802 сўм ҚҚС билан; 8 904 332 871 сўм ҚҚСсиз | 220 кун | № 7004297 |

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмокчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:** фуқаролик-муомала лаёқати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиги; тендер предмети қийматининг 20% миқдордаги айланма маблағлари ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш ҳақидаги банк кафолати мавжудлиги; доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши; ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши; ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган); тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган); тендер объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган:** улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматларни)ни импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, 705-хона.

**Тел.:** 71-244-07-65, 99-484-56-66

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин. Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

**Оферталарни очиш www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда амалга оширилади:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чимбой кўчаси, 2-уй.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси» Давлат унитар корхонаси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Объектнинг бошланғич нархи, сўмда | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | 4Р57 «Қизилқум ҳалқа йўли» автомобиль йўлининг 0-8 км қисмини реконструкция қилиш | 116 594 860 828 сўм ҚҚС билан; 101 386 835 502 сўм ҚҚСсиз | 30 ой |
| 2. | М-34 «Тошкент-Душанбе» автомобиль йўлининг 130-139 км қисмини реконструкция қилиш | 72 772 212 187 сўм ҚҚС билан; 63 280 184 510 сўм ҚҚСсиз | 30 ой |
| 3. | 4К493»в» «М-37 автомобиль йўлидан Эшимоқсоқ қишлоғига қадар автомобиль йўлининг 0-5 км қисмини (2-чи босқич: 3,8-3,93 км қисмида Оқдарё устидан ўтувчи кўприк) реконструкция қилиш | 30 463 087 185 сўм ҚҚС билан; 26 489 641 030 сўм ҚҚСсиз | 18 ой |
| 4. | 4Р 186 «Чиноз ш. Чиноз ПҚҚП-Яллама қ.-Қозоғистон Республикаси чегараси автомобиль йўлининг 2-6 км қисмини реконструкция қилиш» | 36 633 112 785 сўм ҚҚС билан; 28 376 619 813 сўм ҚҚСсиз | 30 ой |
| 5. | 4Р4а «Тошкент ш.-Келес ш.-Қозоқкентсой қ. автомобиль йўлининг 0-6 км қисмини реконструкция қилиш (М39 автомобиль (820км) йўлидан Сариёғоч шаҳрига кириш)» | 44 479 346 081 сўм ҚҚС билан; 38 677 692 244 сўм ҚҚСсиз | 30 ой |
| 6. | 4Н56 «Оқтош ш.-Янгиработ ш.-Лангар қ.-Чуя қ. автомобиль йўлининг 11-16 км қисмини реконструкция қилиш» | 76 744 077 381 сўм ҚҚС билан; 66 733 919 462 сўм ҚҚСсиз | 30 ой |
| 7. | «Ҳаким ат-Термизий мажмуасини Султон Саодат мажмуаси билан боғлайдиган автомобиль йўлини (жумладан: 4Р206 автомобиль йўлининг 7,3-10,5км, 4К599«г» автомобиль йўлининг 0-3,6 км ва 4К599 «в» автомобиль йўлининг янги йўналиш бўйича 2,6-8 км қисмларини) реконструкция қилиш» | 81 210 076 109 сўм ҚҚС билан; 70 617 457 486 сўм ҚҚСсиз | 30 ой |

**Буюртмачи:** «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси» Давлат унитар корхонаси

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:** айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 фоизидан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларга эга бўлиш.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда, танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган:** улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматларни) импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси «Stroy Konsalting Servis» масъулияти чекланган жамиятининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, 705-хона.

**Тел.:** 71-256-16-93, 99 484-56-66.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин. Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон қилингандан сўнг 15 кун давомида юқоридаги манзилда қабул қилинади.

**Оферталарни очиш www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:** Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Tibbiyot qurilish injiniring» ДУК

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Объектнинг бошланғич нархи, сўмда | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Фарғона шаҳридаги Янги Турон кўчасида жойлашган 2-сон Тиббиёт академиясининг Фарғона филиалини қайта қуриш | 15 772 712 254 сўм ҚҚС билан; 13 715 401 960 сўм ҚҚСсиз | 330 кун |
| 2. | Термиз шаҳри, И. Каримов кўчасидаги Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали янги ўқув биноси ва ёрдамчи бинолар қурилиши | 45 912 569 552 сўм ҚҚС билан; 39 923 973 524 сўм ҚҚСсиз | 780 кун |
| 3. | Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 8-уй манзилидаги Республика болалар ортопедияси марказини қайта қуриш | 25 519 750 404 сўм ҚҚС билан; 22 191 087 307 сўм ҚҚСсиз | 270 кун |
| 4. | Андижон Давлат тиббиёт институтининг асосий ўқув-лаборатория биносини реконструкция қилиш | 10 616 575 611 сўм ҚҚС билан; 9 231 804 879 сўм ҚҚСсиз | 270 кун |

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Tibbiyot qurilish injiniring» Давлат унитар корхонаси.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:** фуқаролик-муомала лаёқати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиги; тендер предмети қийматининг 20 фоиз миқдордаги айланма маблағлари ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш ҳақидаги банк кафолати мавжудлиги; доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши; ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши; ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган); тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган); тендер объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва ҳорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган:** улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматларни) импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Тошкент шаҳар қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзилига мурожаат этиши мумкин:** Тошкент шаҳар, Абай кўчаси, 6-уй, 705-хона.

**Тел.:** 71-244-07-65, 99 484-56-66.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин. Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон қилингандан сўнг 15 кун давомида юқоридаги манзилда қабул қилинади.

**Оферталарни очиш www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда амалга оширилади:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 12.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№25 (374) 2020 йил 7 апрель

## Навоий вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги 603-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш дастурларига киритилган объектлар бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қийматидан (қўшимча қиймат солиғисиз) қуйидаги миқдордаги ажратмалар:**

0,5 фоиз миқдорида – янги қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича;

0,3 фоиз миқдорида – Ўзбекистон Республикаси давлат дастурига киритилган капитал таъмирлаш объектлари бўйича;

б) бошқа объектлар бўйича – лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишлари қийматидан келиб чиққан ҳолда:

0,01 фоиз миқдорида – мураккаблигининг I тоифасидаги объектлар бўйича;

0,02 фоиз миқдорида – мураккаблигининг II тоифасидаги объектлар бўйича;

0,03 фоиз миқдорида – мураккаблигининг III тоифасидаги объектлар бўйича;

тўловлар белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 февралдаги «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-4586-сонли қарорига асосан 2020 йил 1 апрелдан бошлаб давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган барча объектлар бўйича ҳудудий инспекцияларга ажратмалар қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,2 фоизига тенг ягона миқдорда (қўшимча қиймат солиғисиз) белгиланганлигини маълум қиламиз.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Кармана тумани ДСЭНМ учун вакциналар омборхонаси қурилиши | 182 374 529 | 120 кун |
| 2. | Навоий вилояти, Навоий шаҳар ДСЭНМ ҳудудида вакциналарни сақлаш омборхона биноси қурилиши | 225 132 657 | 120 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
**Манзил:** Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.
**Тел.:** (79) 224-08-81.
**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

## Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Бошлангич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Кармана тумани, «Мир Саид Бахром» МФЙда жойлашган Маданият бўлими биносини реконструкция қилиш (қурилишнинг 1-босқичи) | 803 933 157 | 90 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
**Манзил:** Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.
**Тел.:** (79) 224-08-81.
**Молиялаштириш манбаси:** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

## Навоий вилояти «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК

## ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Бошлангич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Хатирчи тумани, «Дамариқ» ҚФЙгача сув иншоотини реконструкция қилиш | 1 162 095 012 | 150 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК ҳудудий бошқармаси.
Манзил: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 52.
**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

## «Навоийсувқурилишинвест» ДУК

## ҚАЙТА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Бошлангич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Конимех туманидаги лотокли суғориш тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш | 443 694 698 | 6 ой |

**Буюртмачи:** «Навоийсувқурилишинвест» ДУК
**Манзил:** Навоий шаҳри, Низомий кўчаси, 24-уй.
**Тел.:** (79) 224-15-66, 224-84-11, 224-42-61.
**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим:** иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларига қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Навоий вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** (79) 220-50-03.

Тасдиқланган танлов ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда танлов эълони махсус ахборот порталда чоп этилган санадан бошлаб 10 кунгача қабул қилинади.

Таклифларни очиш муддати танлов махсус ахборот порталида эълон қилинган санадан бошлаб 10 кундан кейин.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Хатирчи тумани, «Мустақиллик» МФЙдаги 27-сонли мактабни реконструкция қилиш (билан 240 ўқувчига ўқув блоки қурилиши) | 3 999 360 479 | 180 кун |
| 2. | Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги 16-сонли мактабни реконструкция қилиш билан 630 ўқув ўринли ўқув блоки қуриш (қайта эълон) | 4 504 224 429 | 180 кун |
| 3. | Навоий вилояти, Хатирчи тумани, «Новжа» МФЙ ҳудудидаги 9-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш | 3 675 809 370 | 180 кун |
| 4. | Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги 6-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш | 4 395 662 397 | 180 кун |
| 5. | Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги Навоий шаҳар прокуратураси биносини реконструкция қилиш (қайта эълон) | 2 293 302 299 | 210 кун |
| 6. | Навоий вилояти, Томди туманида Жиноят ишлари бўйича суд маъмурий биноси қурилиши | 3 893 476 833 | 150 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
**Манзил:** Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.
**Тел.:** (79) 224-08-81.
**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, «Бўстон» МФЙ ҳудудидаги 1-сонли мактабгача таълим муассасаси ёнида ошхона қурилиши билан бинони реконструкция қилиш | 2 393 300 731 | 150 кун |
| 2. | Навоий вилояти, Кармана туманидаги 2-сонли мактабни реконструкция қилиш билан 360 ўринга ўқув блоки қурилиши | 2 284 592 444 | 180 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
**Манзил:** Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уй.
**Тел.:** (79) 224-08-81.
**Молиялаштириш манбаси:** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

## «Навоийсувқурилишинвест» ДУК

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилоятидаги Кармана гидроузелини реконструкция қилиш | 11 736 699 214 | 12 ой |

**Буюртмачи:** «Навоийсувқурилишинвест» ДУК
**Манзил:** Навоий шаҳри, Низомий кўчаси, 24-уй.
**Тел.:** (79) 224-15-66, 224-84-11, 224-42-61.
**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

## Навоий вилояти «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК

## ҚАЙТА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Кармана тумани, «Дўрмон» ҚФЙ сув тизими ва Гулобод сув иншоотини реконструкция қилиш | 1 559 268 250 | 150 кун |
| 2. | Қизилтепа тумани, «Ҳасанча» ҚФЙ, Бўстон сув иншоотини реконструкция қилиш | 2 777 403 806 | 180 кун |
| 3. | Конимех тумани, «Тўққизтепа» ҚФЙ, Момиқчи аҳоли пункти сув тизимини реконструкция қилиш | 2 852 860 337 | 180 кун |
| 4. | Хатирчи тумани, Найман сув иншоотидан «А. Темиров» ҚФЙгача сув қувури (водовод)ни реконструкция қилиш | 3 439 968 136 | 180 кун |
| 5. | Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, «Янгийўл» ҚФЙ Ҳаловаттепа сув иншоотини реконструкция қилиш | 1 937 702 760 | 180 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК ҳудудий бошқармаси.
Манзил: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 52.
**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Навоий вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** (79) 220-50-03.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда тендер эълони махсус ахборот порталда чоп этилган санадан 15 кунга қадар қабул қилинади.

Таклифларни очиш муддати тендер махсус ахборот порталда эълон қилинган санадан бошлаб 15 кундан кейин.

## ТУЗАТИШ

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 27 мартдаги 24 (373)-сонида чоп этилган «Автосаноат Инвест» МЧЖга тегишли корхоналар устав фондидаги улушлари аукцион савдо ташкилоти «Respublika mulk markazi» МЧЖ ҳамда мурожаат учун телефон: 71-237-23-86, деб ўқилсин.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси

### ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

1. Қорасув шаҳри ва Қўрғонтепа туман маркази оқава сув тизимлари қурилиши.

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан)** – 36 943 281 554 сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 28 ой.

2. Андижон тумани оқава сув насос станцияси ва оқава сув қувурларини реконструкция қилиш.

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан)** – 5 551 073 950 сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 18 ой.

3. Марҳамат туманида оқава сув тизимлари ва тозалаш иншооти қурилиши.

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан)** – 38 128 946 079 сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 28 ой.

4. Андижон туманидаги Куйганёр сув иншоотидан туман марказигача бўлган сув тармоғини реконструкция қилиш.

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан)** – 11 711 823 767 сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 18 ой.

5. Андижон шаҳар, А. Фитрат кўчаси ичимлик сув тизими ва оқава сув тармоғини реконструкция қилиш.

**Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан)** – 1 339 873 116 сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 9 ой.

Буюртмачи: «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси.

Манзил: Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 59-уй.

Тел.: (74) 228-86-69.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Андижон вилояти Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин:** Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.

**Тел./факс:** 74-223-57-05.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

**Тендер таклифлар очилиши dxarid.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 59-уй, буюртмачи биноси.

## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

### такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ аукцион савдоларига «Biokimyo» АЖга тегишли 2020 йил 1 апрелдаги 02-25-192/25-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Ортиқов» ДХФУ ҳудудининг 8,2 Га ер майдонида жойлашган «Боғзор» мол-мулки. **Бошланғич баҳоси** – 460 202 603 сўм.

2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Халқобод» ДХФУ ҳудудининг 14,73 Га ер майдонида жойлашган «Узумзор» мол-мулки. **Бошланғич баҳоси** – 864 141 603 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 7 май куни, соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-«А» уй манзилида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 22 май, 8, 23 июнь, 8 июль кунлари бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин, соат 18.00 тўхтатилади.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулкнинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига, савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар, тўлашлари шарт:** 2260 4000 2049 2060 9001 ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 207 122 519.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Тел.:** (71) 237-23-96.

**Электрон почта:** kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

**Веб-сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган. RR-0001-сонли лицензия.*

## «ZAR AUKSION» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 11 май куни, соат 9.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент-Олтинтепа кўчаси, 2-уй, 163-хонадонда жойлашган 7-сонли давлат нотариал идорасининг 2020 йил 6 март ва 25 мартдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **МКТ ООО «BIZNES FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI»** томонидан бошланғич баҳоси ҚҚСсиз қўйилмоқда:

#### 2020 йил 6 мартдаги ижро хати бўйича:

1. 202001137001732-ижро хатига асосан 3 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 4 842 869,02 сўм.
2. 202001137001733-ижро хатига асосан 5 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 3 468 902,75 сўм.
3. 202001137001734-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 2 661 125,66 сўм.
4. 202001218000912-ижро хатига асосан 9 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 6 988 790,67 сўм.

#### 2020 йил 25 мартдаги ижро хати бўйича:

1. 202001218002414-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 068 952,50 сўм.
2. 202001218002413-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 403 299,34 сўм.
3. 202001218002412-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 617 131,72 сўм.
4. 202001218002411-ижро хатига асосан 4 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 1 596 995,00 сўм.
5. 202001218002410-ижро хатига асосан 9 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 15 697 175,22 сўм.
6. 202001218002409-ижро хатига асосан 1 дона буюм, **бошланғич баҳоси** – 644 746,11 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан МКТ ООО «BIZNES FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI»нинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Боткина кўчаси, 8-«А» уй.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 11 май куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари, соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари, соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш, аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати – савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «ZAR AUKSION» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 9007 9396 0001 АТБ «Турон банк» Юнусобод филиали МФО 01144 СТИР 305 014 967.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

- **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

**Мурожаат учун тел.:** 71-224-86-67.

**Электрон почта:** zarauction@yandex.ru

*536412 рақамли гувоҳнома.*

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Кўп хонадонли уйларни ва иссиқлик таъминоти объектларни қуриш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК Хоразм вилояти филиали

### ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Хонқа туманидаги умумий фойдаланишдаги 13 та кўп қаватли турар жойлар Нурли осмон кўчаси, 1, 7, 11-уйлар, Оқсарой кўчаси, 17-уй, Соғлом авлод кўчаси, 8, 10-уйлар , Нафосат кўчаси, 28-уй, Хонқа кўчаси, 1, 2-уйлар, Мустақиллик кўчаси, 1, 2, 3, 4-уйларни мукаммал таъмирлаш | 4 650 708 646 | 195 |
| 2. | Боғот туманидаги умумий фойдаланишдаги 7 та кўп қаватли турар жойлар Табобат кўчаси, 1, 3, 5- уйлар, Феруз кўчаси, 18, 22-уйлар, Навоий кўчаси, 2, 3-уйларни мукаммал таъмирлаш | 1 907 776 181 | 105 |
| 3. | Қўшкўпир туманидаги умумий фойдаланишдаги 8 та кўп қаватли турар жойлар Ш. Рашидов кўчаси, 1, 2, 7, 19, 22-уйлар, Замахшарий кўчаси, 1, 2-уйлар, Мустақиллик кўчаси, 8-уйни мукаммал таъмирлаш | 2 910 905 653 | 120 |
| 4. | Хива шаҳридаги умумий фойдаланишдаги 9 та кўп қаватли турар жойлар Обводная кўчаси, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26-уйларни мукаммал таъмирлаш | 3 451 045 210 | 135 |

**Буюртмачи:** «Кўп хонадонли уйларни ва иссиқлик таъминоти объектларни қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Хоразм вилояти филиали.

**Манзил:** Урганч шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 96-уй.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишида танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 15 апрель куни, соат 10.00 гача қабул қилинади.

Таклифларни очиш Урганч шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 96-уйда 2020 йил 15 апрель куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

**Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.**

## «Respublika mulk markazi» МЧЖ

### бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани Давлат солиқ инспекциясига тегишли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шаҳриобод кўчаси, 314-уй манзилида сақланаётган 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами 01 130 ABA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 19 520 716 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 6 май куни, соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 4 май куни, соат 18.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2020 йил 6 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 13, 20 май куни, соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир кун олдин, 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

**Талабгорлар мулкнинг умумий холатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда, савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулкнинг бошланғич баҳоси 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ «Давр банк» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Телефон:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## Respublika mulk markazi» МЧЖ «Poytaxt filiali»

### бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога ҚК «Ўз Кейс Сервис» МЧЖнинг 2020 йил 26 мартдаги UCS-157-сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси 16, 1-блок ва республика вилоятларида сақланаётган қуйидаги техника воситалари қўйилмоқда:

1. «Combine TC 5060» русумли, 2010 йилда ишлаб чиқарилган комбайн (завод рақами 569526021). **Бошланғич баҳоси** – 115 000 000 сўм.

2. Дон экишгич (сеялка зерновая) 2011 йилда ишлаб чиқарилган, (завод рақами 940). **Бошланғич баҳоси** – 35 000 000 сўм.

Аукцион савдолари **2020 йил 11 май** куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 27 апрель куни, соат 18.00.

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги техника воситалари 2020 йил 11 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 20, 29 май 8, 18, 29 июнь, 8, 17, 27 июль 5, 14, 24 август, 3, 14, 24 сентябрь, 5, 15, 26 октябрь, 5, 16, 25 ноябрь, 7, 16, 24 декабрь кунлари, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш, мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 ХАТБ «Давр банк» Яккасарой филиали МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Телефон:** 71-237-23-91.

**Веб-сайт:** www.rmm.uz.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## «Respublika mulk markazi» МЧЖ

### бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Biokimyo» АЖга тегишли Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Кимёгар кўчаси, 1-уй манзилда сақланаётган буғ қозонхонаси асбоб-ускуналари комплекти қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 2 614 609 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 7 май куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2020 йил 5 май куни, соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2020 йил 7 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдоси 22 май, 8, 23 июнь кунлари, соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир кун олдин, 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

**Талабгорлар мулкнинг умумий холатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда, савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулкнинг бошланғич баҳоси 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ «Давр банк» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Телефон:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# Улкан меҳнат самараси

(Давоми. Боши 1-бетда)





Яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, белгиланган мақсад ва вазифаларнинг самарали бажарилиши таъминлаш учун зарур қонунчилик базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз яна бир бор Ўзбекистон халқига Мурожаат қилди. Ва пандемиянинг тарқалишини олдини олиш аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича Президентимизнинг ташаббуслари билан янги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва бошқа объектларни мавжуд вазият тақозосидан келиб чиққан ҳолда зудлик билан қуриш бўйича олиб борилаётган ишлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда.

Пойтахтдан 25 километр узоқликда, аниқроғи Юқори Чирчиқ туманида қурилиши якунига етаётган махсус карантин ҳудудида бўлганимизда бу ерда олиб борилаётган иш кўламини кўриб муҳандису қурувчиларнинг меҳнатига тасаннолар айтдик.

Кўз очиб юмгудек фурсатда бўй кўтарган ушбу манзил ўз халқининг жони соғ бўлишини ҳар нарсадан устун қўйган давлат раҳбарининг эзгу ташаббуси рамзи. 22 март куни қурилиши бошланган Ўртасарой карантин ҳудуди даставвал 20 800 ўринга мўлжаллангани ҳақида хабар берилганди. Айни дамда ҳудуд 10 000 ўринга қисқартирилгани тўғрисида маълумот берилди. Бу ерда жами 1 275 та контейнер ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 1 070 таси тахт ҳолатга келтирилган. Барча зурур шароитларга эга ихчам ва қулай контейнерлар тўрт нафардан кишининг вақтинча истиқомат қилиши учун мослаштирилган.

– Ҳар бир контейнер тайёр ҳолга келтирилгач, мутахассислар назоратидан ўтказилиб, аниқланган барча камчиликлар бартараф этилгандан сўнггина у ерга карантинга фуқаролар жойлаштирилади, – дейди бизга ҳамроҳлик қилган Тошкент шаҳар ҳокимлиги қурилиш бўлими мутахассиси Анвар Зокиров. – Контейнерларни жойлаштириш, инсон яшаши учун мослаштириш учун барча бирдек меҳнат қилмоқда.

Мазкур ҳудуд комплекс тарзда бунёд этилмоқда. Бу ерда муолажа хоналари, тиббиёт ходимлари бўлимидан ташқари карантин ҳудудига келтирилганлардан шу ернинг ўзида таҳлил олиш учун лабаротория, кир ювиш бўлими, утилизация учун ҳам алоҳида жой қурилди. Карантинга олиб келинган фуқаролар учун овқатларини тайёрлашга мўлжалланган ошхона қурилиши охирига етказилмоқда.

– Ҳозирги кунда қурилиш ишлари ва лойиҳалаш ишлари пастракт усулида параллел равишда олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳудудни топширганимиздан кейин бу ҳудудни қабул қилиб, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ўз фаолиятларини бошлашлари мумкин. Ҳар бир ҳудуд бир-биридан ажратилганлиги боис, шифокорларнинг ишларига қурилиш ишларининг давомийлиги асло ҳалақит бермайди. Бу эса қурувчиларимиз ва карантиндаги инсонларга ноқулайлик туғдирмайди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов.

Қурилиш майдонидаги жадаллик бу жараёнда иштирок этаётган ҳар бир юртдошимизнинг объектни қисқа фурсатларда битириш истаги билан ҳамоҳанг.

– Мана шундай оғир вазиятли кунларда қурилиш жараёнларида фаол иштирок этиб, ўзимизнинг ҳиссамизни қўшаётганимиздан жуда ҳам мамнунмиз. Бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи ўз имкониятларини ишга солган ҳолда ушбу объектларни тез фурсатларда сифатли якунлашни ният қилган, – дейди қурувчи Файзулло Бобоев.

Карантин худудини яратишда барча санитар-гигиеник нормалар ҳисобга олинган. Контейнерларнинг том қисмига махсус изоляция материали ўрнатилган бўлиб, у ичкарида зарур микроиқлимни яратишга кўмак беради. Бу ерга тайёр ҳолатда келтирилаётган контейнерларда яшаш учун барча қулайликлар мавжуд.

– Ҳозирда мазкур ҳудудни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш учун 500 дан зиёд техника жалб қилиниб, Тошкент шаҳри ҳокимлигининг Уй-жой, коммунал хўжалиги бошқармасига кирувчи 10 дан зиёд ташкилотлар, кўнгилли қурилиш ташкилотларининг 4 000 зиёд ишчи-хизматчилари, кечаю кундуз меҳнат қилишмоқда, – дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳари ҳокими ўринбосари Даврон Ҳидоятов. – Карантинга олинган 4 482 нафар ҳамюртларимизга 387 нафар турли соҳа вакиллари хизмат кўрсатишмоқда.

Ҳудудда жуда катта кўламдаги иш амалга оширилмоқда. Шундай бўлсада, бу ерда меҳнат қилаётганлар учун ҳам барча шароитлар яратилган.

– Ҳудуд қурилиши кечаю кундуз олиб борилмоқда, – дейди А. Зокиров. – Ишчи-хизматчиларнинг дам олишлари учун махсус жойлар белгиланиб, ҳар куни уч маҳал овқатланишлари ташкил этилмоқда.

Қурувчилар ушбу майдонда матонат кўрсатаётган бир пайтда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам сабот билан керакли маҳсулотларни етказиб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳар бир лойиҳанинг ва ҳудуднинг кўлами ғоятда катта ҳажмни ташкил этиши, ҳеч кимга сир эмас. Бунёдкорлик суръати шу қадар жадалки, шиддатли ўзгаришларни илғаш, англашга бўлган иштиёқ кишини ушбу масканга яна чорлайверади. Демак, олийжаноб халқимиз дуолари қўли гул бунёдкорларимиз заҳматидан қад ростлаётган бу манзил халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori»нинг махсус мухбири.**
**Муаллиф олган суратлар.**

# Ниқоб ва қўлқопларни хавфсиз йиғиш пунктлари ташкил этилди

**«Hashar week» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Мироншоҳ» ва «Раҳнамо Сервис» компаниялари билан ҳамкорликда ишлатилган ниқоб ва қўлқопларни хавфсиз йиғиш ишлари бошланди.**

Йиғим пунктлари манзили ва харитаси ҳақидаги маълумотларни Инстаграммдаги @Hasharweek аккаунтидан топиш имконияти мавжуд. Хўш, бунинг учун фуқароларимиздан қандай ишларни амалга оширишлари талаб этилади?

– Бу жараёнда аҳолимиз аввало, ишлатилган ниқоб ва қўлқопларни алоҳида халталарга тўплаб, уни боғлаб, кўрсатилган манзилда жойлашган чиқинди йиғиш пунктларидан бирига олиб боришлари зарур бўлади, – дейди Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Севара Давлатова. – Ишлатилган ҳимоя воситалари тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилиш қоидаларига амал қилган ҳолда, яъни профессионал ёқиш усулига мувофиқ амалга оширилади. Бордию, фуқароларимиз ўз маҳаллаларида ва ёки ўзларига яқин ҳудудларда хавфсиз йиғим пунктларини ташкил қилмоқчи бўлсалар, албатта биз билан боғланишларини илтимос қиламиз, чунки, ёқиш усулидаги утилизация фақат махсус ташкилотлар томонидан амалга оширилиши лозим.

Тошкент шаҳрида тиббиёт чиқиндилари утилизацияси учун мўлжалланган махсус қутиларнинг ўрнатилаётгани ғоят долзарб эзгу амаллардан биридир. Сабаби бугунги кунда коронавирус пандемияси сабаб тиббиёт чиқиндилари мисли кўрилмаган даражада кўп ҳосил бўлмоқда. Мамлакатимизда ҳеч қачон бу қадар кўп дока ниқоблар, резина қўлқоплар, ҳимоя воситалари ишлатилмаган. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур ҳимоя воситаларини ишлатиб бўлгандан кейин маиший чиқиндиларга аралаштириш, асло мумкин эмас. Ва бу жараёнда соҳа вакиллари чиқиндиларнинг тартибга солинишида аҳолимизни ҳам маъсулият ва даҳлдорликка чорлаб қоладилар. Тошкент шаҳрида муқобил санитар тозалаш хусусий корхоналари томонидан янги лойиҳанинг амалга оширилишида ҳамшаҳарларимизнинг фаоллиги ўта муҳим эканини эътиборга олиш лозим.

– Ушбу лойиҳаларни амалга оширишда бизга Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан катта кўмак берилмоқда. 14 та замонавий чиқинди пунктларини айниқса, пойтахтнинг марказий худудларида ўрнатишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки, марказда аҳоли зич жойлашган бўлиб, айнан шу масканларда улар томонидан кўплаб ҳимоя воситалари келтирилмоқда. Ўйлаймизки, ушбу лойиҳа доирасида аҳолининг экологик маданиятини янада оширишга ва мана шундай қийин вазиятларда ҳам уларнинг атроф-муҳит озодалигига бўлган масъуллигини юксалтиришга эришамиз, – дейди лойиҳа катта менежери Алина Абдураззоқова.

Пойтахтнинг Миробод туманида фаолият юритаётган «Мироншоҳ» ва «Раҳнамо сервис» муқобил санитар тозалаш хусусий корхонаси «Hashar week» лойиҳаси билан ҳамкорликда амалга ошираётган эзгу ташаббус шаҳримизнинг экологик мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади. Корхоналар ўз тасарруфидаги чиқинди йиғиш майдончаларига (улар жами 14 тани ташкил этади) ишлатилган ниқоблар, резина қўлқоплар, турли хилдаги тиббий ҳимоя воситаларини ташлаш учун мўлжалланган замонавий чиқинди қутиларини ўрнатмоқда.

Ўз мухбиримиз.

# Замонавий қурилиш материаллари касалхоналарни барпо этишда кенг қўлланилмоқда

**Шу кунларда жаҳон аҳли азият чекаётган тожли вирусни бутунлай бартараф этиш чоралари бутун дунёда изчиллик билан давом эттирилмоқда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам.**

Мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан коронавирусдан сақланиш, инфекцияни кенг тарқалишини олдини олиш, касалланганларни соғлигини тиклаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганини эътироф этиш жоиз. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳри ва вилоятида замонавий, жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қисқа фурсатда ихтисослаштирилган касалхоналар қурилиш ишларининг олиб борилаётгани эътиборга молик. Бу ишлар замирида халқимизнинг ўзгалар парваришига муҳтож бўлган беморларни қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам қўлини чўзишдек эзгу қадрият мужассам.

Ушбу касаллик билан хасталанган юртдошларимизнинг тезроқ соғайиб кетишлари мақсадида пойтахтимизнинг Чилонзор тумани, ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳудудида махсус касалхоналар барпо этилаётганидан хабарингиз бор. Қувонарлиси, ушбу улкан бунёдкорлик ишларида юртимизнинг қўли гул усталари, лойиҳа ташкилотлари вакиллари, моҳир қурувчиларимиз, коммунал хизмат кўрсатиш тизими ходимлари сидқидилдан меҳнат қилиб, мазкур касалхоналарнинг сифатли ва мукаммал барпо этилишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу борада айниқса, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг ҳам ўрни каттадир.

– Бунёдкорлик ишларини ўз вақтида сифатли амалга оширилиши учун «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан бир қатор ишлар амалга ошириляпти, – дейди уюшма матбуот хизмати раҳбари Жамшид Шерматов. – «Оҳангаронцемент» АЖ, «Бекободцемент» АЖ, «Қизилқумцемент» АЖ томонидан қурилиш майдонларига узлуксиз, пешма-пеш цемент маҳсулоти юклаб жўнатилмоқда. Хусусан, шу кунгача 11 минг тоннадан зиёд цемент маҳсулотлари қурилиш майдонларига етказиб берилди.

Ушбу замонавий касалхоналарнинг тез фурсатда бунёд этилишини инобатга оладиган бўлсак, қурилиш жараёнида енгил конструкциялар, сендвич панеллардан кенг фойдаланиляпти. Эътиборлиси, қурилишда фойдаланилаётган барча маҳсулотлар маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

– Биз ҳам халқимизнинг мана шундай оғир кунларида бироз бўлсада ёрдам бериш мақсадида корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилган махсус пол қопламаларини етказиб беряпмиз, – дейди «Sanfa Products» компанияси директори Темур Акромов. – Бугунги кунда ушбу сифатли маҳсулотларни йирик спорт мажмуаларининг машғулотлар заллари учун тақдим этяпмиз. Илгари ушбу турдаги маҳсулот бутунлай хориж давлатларидан, жумладан, Хитой, Корея ва Франциядан 100 фоиз импорт қилинарди. Эндиликда эса компаниямиз томонидан Фарғона шаҳрида спортзаллар учун мўлжалланган линолеумни халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айтиш зарурки, мазкур маҳсулот одатий ёғоч полдан анча арзон, иқтисодий самарадор. Уни турли ранглар ва замонавий кўринишларда ишлаб чиқармоқдамиз. Касалхоналар учун эса биз юмшоқлик даражаси жуда юқори бўлган санитар-антибактериал хусусиятга эга пол қопламаларини келтириб беряпмиз. Маҳсулотнинг эксплуатация муддати 10 йил. Мазкур линолеум эластик ва юмшоқ бўлиб, зарбани ютиш, шовқинни камайтириш каби хусусиятлари билан одатий ёғоч полдан тубдан ажралиб туради. Ва энг муҳими, у халқаро талабларга мос юқори сифатга эгадир. Ва биз айнан халқимиз саломатлиги ва узоқ умр кўришини таъминлашга хизмат қилувчи касалхоналарнинг барпо этилишида фаол иштирок этаётганимиздан жуда ҳам мамнунмиз.

Шу кунларда, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этган ҳолда, марказлашган манбаалар ҳисобидан барпо этилаётган объектлар учун асосий қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тўлиқ қувват билан ишлаши йўлга қўйилган. Мақсад пандемияни ҳамжиҳатликда енгиш, ҳалқимиз осойишталигини таъминлаш.

**Ўз мухбиримиз.**

**Самарқанддаги «Таъмирлойиҳа» масъулияти чекланган жамияти бино ва иншоотлар меъморчилик қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда ибратли ташкилот ҳисобланади. Малакали мутахассислардан иборат аҳил жамоа етмиш йилдан зиёд вақт давомида лойиҳа-тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, ўзига хос тажриба мактаби яратишган, десак муболаға бўлмас.**

# Ватан равнақига ҳисса

Бугун мамлакатимизнинг турли бурчагидаги қатор кўркам иморатлар, саноат корхоналарининг мукаммал коммуникация тизимлари, хонадонлар ечимлари ушбу даргоҳда тайёрланиб, ҳаётга татбиқ этилганлиги фикримизнинг исботидир. Узоқ йиллар давомида жамиятнинг тамал тошини қўйиб, довруғ таратишига ижобий таъсир кўрсатган мўътабар инсонлар – Собир Мўминов, Маъсуда Бобожонова, Марина Имановская, Зинаида Орлова, Надежда Миелова, Алла Арустамян, Генадий Сапамян, Надежда Исанина каби устозлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айни пайтда бу ерда меҳнат қилаётган янги авлод вакиллари ҳам улар анъанасини давом эттириб, улкан ижобий ютуқларни қўлга киритишаётганлиги қалбда ифтихор туйғусини уйғотади.

– Ходимларимиз қанча билимли, дунёқараши кенг, яхшиликка ўч мутахассис бўлишса Ватан шу қадар жозибали, гўзал манзара касб этиши муқаррар, – дейди жамоа сардори, истеъдодли меъмор Дилшод Қодиров. – Бинобарин, биз изланувчан, серқирра, иқтидорли кадрларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратганмиз. Натижа ҳам шунга яраша. Ўз касбининг фидойисига айланган инженер-муҳандислар ва дизайнер-лойиҳачилар иншоотлар лойиҳа-смета ҳужжатини чизиш билан бирга, улар техник ҳолатини тайёрлаш, яроқлилигига оид хулоса чиқариш, сейсмик бардошлигини аниқлаш, айниқса сув, газ, канализация тармоқлари қурилишини режалаштиришда фаол иш олиб боришмоқда. Самарқанд шаҳри ва туманилардаги ичимлик сув таъминотини яхшилаш, тозалаш қурилмалари, вентеляция, иситиш ва оқова тизимини реконструкция қилиш, технологик жараёнларни замонавийлаштиришга катта ҳисса қўшаяпмиз.

Эндиликда давр талабидан келиб чиққан шоввозлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборхоналари, музхона, иссиқхоналар чизмасини ишлаб чиқиш, Ургут, Нуробод, Паст Дарғомдаги эркин иқтисодий зонасига тегишли кичик саноат корхоналари коммуникация иншоотлари лойиҳасини яратишда фаол қатнашмоқда. Шуни айтиш жоизки, ҳамфикр, ҳаммаслак касбдошлар бундан ташқари Каттақўрғон, Пайариқ, Иштихон, Қўшработ туманларида ичимлик сув қувурларини тортиш, сув сақлаш иншоотлари лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга масъул этиб белгиланишган. Бир неча йилдан буён эса Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари тозалаш қурилмалари ва оқава тизимини реконструкция қилиш лойиҳаси доирасида Жаҳон банкининг дастурини бажаришаётганлиги эътиборга сазовор.

Лойиҳачиларнинг келгусидаги иш режалари ҳам бисёр. Улар замон шиддатини англаб, илғор, пишиқ ва пухта лойиҳалар устида тиним билмай изланаверадилар, деган умиддамиз.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-05-15 (котибият),
71-244-15-13 (таҳририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-453.
2164 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 21.00. Топширилди – 23.30.
1 2 3 4 5 6